



■ ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ ТААССУРОТЛАРИ

Давлат раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи доирасида, ҳар галгидай одамларнинг турмуш тарзи юксалишига, ҳаёт фаровонлиги ошишига, ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига хизмат қиладиган ўнлаб замонавий лойиҳалар кўз очди. Президент янги корхоналар фаолияти, саноат, энергетика, шаҳарсозлик ва бошқа жабҳаларда рўёбга чиқарилаётган ишлар билан танишиб, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасидаги ўзгаришларни кўздан кечирар экан, мутасаддиларга вилоятни комплекс ривожлантириш бўйича қатор устувор вазифаларни белгилаб берди.

БАХТИ ТЎКИС ЁШЛАР

Куни кеча Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясига Намангандан бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюришди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши, ҳудуддаги туман, шаҳар кенгашлари ҳамда тармоқ касба уюшмалари раҳбар ва ходимларидан иборат жамоа дастлаб академия фаолияти билан яқиндан танишди.

Ўқув бинолари, спорт мажмуаси, ахборот-ресурс маркази кўздан кечирилди. Айниқса, талабалар ётоқхонаси, у ерда яратилган шарт-шароитлар меҳмонларга жуда маъқул келди. Боиси ташриф буюрувчилар орасида ушбу масканда таҳсил олаётган талабаларнинг ота-оналари ҳам бор эди. Ҳам дийдорлашув, ҳам самимий мулоқот тадбирга ўзгача фойда бағишлади.

Ёшлар билан суҳбатда наманганлик касба уюшмалари вакиллари уларнинг энг бахтли болалар қаторида эканини таъкидлашди.

— Академиядаги бундай ажойиб муҳитни кўриб сизларга ҳавас қилдик, — дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгаши раиси Ҳасанбой Хожаев. — Ўқиб-ўрганиш дейсизми, спорт билан шуғулланиш, бўш вақтнинг мароқли ўтказиш дейсизми, барча имкониятлар муҳайё экан.

Ҳақиқатан ҳам, бугун ёшларнинг бахти тўқис, толеи қулган. Фақат таълим олиб, ўз устида ишлаб, гўзал ахлоқ билан илм ўргансалар қифоя. Сизларга айтмоқчи бўлганим, бундай имкониятларнинг қадрига етинг. Ватанга, жамятга керакли инсонлар бўлишга интилинг.

Делегация аъзолари пойтахтга қуруқ кўл билан эмас, совга-саломлар билан келишган экан. Тадбир давомида академия устозлари, намунали талабаларга уларни топширишди. Ахборот-ресурс маркази учун китоблар тақдим этишди. Талабалар эса меҳмонларга ўзлари тайёрлаган жадидлар ҳақидаги саҳна кўринишини намойиш этишди.

Шундан сўнг самимий мулоқот шинам дастурхон атрофида, ўзбекча айтганда, дўппидекина ош устида давом этди. Касба уюшмалари вакиллари ҳудудларига қайтган, ҳамюртларига академия ҳақидаги таассуротларини ҳаяжон билан сўзлаб беришларини таъкидлашди.

Гулрухбегим
ОДАШУБОВА
«ISHONCH»

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОБУР ШАҲРИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

ЯНГИ РЕНЕССАНСГА ПОЙДЕВОР УЛУҒ АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ БИЛАН БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Давлат раҳбари Янги Андижон шаҳарчасида ўтказилган тантанали маросимда ҳудуд аҳли билан учрашиб, мазкур янги шаҳарга Бобур номи бериш ҳақидаги ташаббусни илгари сурганлигини эса, ҳеч муболагасиз, олий ташрифнинг гултоғи бўлди деб айтиш мумкин. Минглаб андижонликлар кўз ўнгида содир бўлган бу унутилмас воқеанинг аҳамияти хусусидаги фикрларни баён этишдан аввал яқин тарихимизга бирров назар ташласак.

...Биласизки, Андижон вилояти Ўзбекистон аҳолисининг 10 фоизи истиколат қиладиган — энг зич ҳудуд ҳисобланади. Шу боис ҳам вилоятда одамларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, ҳар қарч ердан ниҳоятда оқилона ва самарали фойдаланиш ҳаммиша долзарб аҳамиятга эга. Бугун ҳудуд аҳолиси йилга қарийб 50 мингта кўпаймоқда. Таққослаш учун, вилоятнинг чекка ҳудуди — марказий Фарғона чўллари бағридаги Улуғнор тумани айни пайтда 60 мингдан зиёд нуфусга эга. Ана энди демографик ўсиш кўрсаткичлари ҳамда ер майдонлари ўртасидаги боғлиқлик даражасини тасаввур қилаверинг.

Айни шундай бир шароитда қишлоқ хўжалиги экин майдонларига тегинмаган ҳолда одамларнинг тураржойга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондиришнинг ўзига хос ечими ишлаб чиқилиб, ҳаётга таъбиқ этила бошлади. Ху-

сусан, Президентимизнинг 2021 йил вилоятга ташрифи доирасида Андижон туманидаги қақраб ётган кенг мул адирликлар бағрида Янги Андижон шаҳарчасини барпо этиш учун таъминлаш мақсадида умумий қиймати 33 миллиард сўмга тенг лойиҳа доирасида сизимми 4 минг метр-куб бўлган сув сақлаш ва узатиш иншооти ишга туширилди. Шу тарих Андижон туманининг икки йирик — Бўтақора ва Харабек қишлоқлари орасидаги, ахён-ахёнда йўли тушган биров-ярим ҳайдовчини ҳисобга олмасда, деярли кимсасиз қатнов йўлининг икки томонидаги адирликлар қисқа даврда серфайз, гавжум, кўркам ва обод шаҳарчага айланди-қолди. Инсон қўли гул, деб шуни айтишлади-да.

Бу ҳали саккиз босқичдан иборат қурилиш-бунёдкорлик режаларининг биринчи босқичи, холос. Яқин келажакда умумий майдони 4 минг гектарни ташкил этадиган шаҳарнинг 1 минг 439 гектар майдонида 2 мингта кўп қаватли тураржойлар, савдо масканлари қад ростлайди. Шунингдек, 223 гектар қисмида хизмат кўрсатиш объектлари, 1 минг 820 гектар майдонда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Бундан ташқари, йўллар ва бошқа инфраструктура объектларининг умумий майдони 499 гектар ҳудудни эгаллаши режа қилинган. Қурилишлар поёнига етган, шаҳарчада 410 минг нафардан зиёд аҳоли яшashi мумкин...

Бу ҳали саккиз босқичдан иборат қурилиш-бунёдкорлик режаларининг биринчи босқичи, холос. Яқин келажакда умумий майдони 4 минг гектарни ташкил этадиган шаҳарнинг 1 минг 439 гектар майдонида 2 мингта кўп қаватли тураржойлар, савдо масканлари қад ростлайди. Шунингдек, 223 гектар қисмида хизмат кўрсатиш объектлари, 1 минг 820 гектар майдонда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Бундан ташқари, йўллар ва бошқа инфраструктура объектларининг умумий майдони 499 гектар ҳудудни эгаллаши режа қилинган. Қурилишлар поёнига етган, шаҳарчада 410 минг нафардан зиёд аҳоли яшashi мумкин...

Бу ҳали саккиз босқичдан иборат қурилиш-бунёдкорлик режаларининг биринчи босқичи, холос. Яқин келажакда умумий майдони 4 минг гектарни ташкил этадиган шаҳарнинг 1 минг 439 гектар майдонида 2 мингта кўп қаватли тураржойлар, савдо масканлари қад ростлайди. Шунингдек, 223 гектар қисмида хизмат кўрсатиш объектлари, 1 минг 820 гектар майдонда яшил ҳудудлар ташкил этилади. Бундан ташқари, йўллар ва бошқа инфраструктура объектларининг умумий майдони 499 гектар ҳудудни эгаллаши режа қилинган. Қурилишлар поёнига етган, шаҳарчада 410 минг нафардан зиёд аҳоли яшashi мумкин...

Президент ҳавас қилса арзиғулик гузал шаҳарча ҳамда ушбу муаззам масканда қад ростлаган «Янги Ўзбекистон» боғи билан танишиш экан, юртдошларимизни буюк меҳнат ғалабаси билан самимий табриқлади. Халқимизнинг бунёдкорлик анъаналарини муносиб давом эттириб келаяётган, фидойилик ва ташаббускорлик фазилатларини амалий ишлари билан намойён этаётган Андижон ахлига, бу ишларга ҳисса қўшган барча инсонларга чин юракдан ташаккур изҳор қилди. Пировардида, юқорида қайд этилганидек, Янги Андижон шаҳарчасига ўзининг бетакрор илмий ва ижодий мероси билан миллимиз, халқимизни бутун дунёга тараннум этган буюк аждодимиз — Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш мақсадида Бобур шаҳри деб ном беришни таклиф этди.

«Ҳазрати Бобур — жаҳон тарихида камдан-кам учрайдиган шундай бе-назир, улуғ зотки, унинг шарафига нафақат кўча ва майдонлар, боғу роғлар, балки алоҳида шаҳар бунёд этсак, албатта арзийди», деди Президент.

Сирасини айтганда, давлат раҳбарининг таклиф ва ташаббусини барча андижонликлар яқдиллик, катта қувонч билан қабул қилдилар.

Қайд этилганидек, эндиликда улуғ аждодимиз номи билан аталувчи замонавий шаҳар яқин келажакда барча ватандошларимиз учун қутлуғ ва сеvimли масканга айланади. Унинг ҳудудидаги боғининг энг баланд нуқтасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг янги, муҳташам ҳайкали ўрнатилади. Президент ташрифи эса ана шу эзгу гоғлар билдан тилга, ҳаётга кўчган тарихий кун сифатида андижонликлар хотирасида муҳрланиб қолишига шубҳа йўқ.



Нурилло
НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»



— Ҳурматли Президентимиз вилоятимизга ҳар галги ташрифларида андижонликларни энг кўп ўйлантирган масалаларга ечим топиб келадилар, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Нуроний» жағғармаси вилоят бўлими раҳбари Уктамжон Охунов. — Шу боис ҳам биз ҳар доим Президент ташрифини очик чехра билан, интиқиб қутамиз. Биргина мисол. Андижоннинг демографик ҳолати ва географик жойлашуви ўзига хос, ер ресурслари камайиб бораётгани сир эмас. Ана шундай бир вазиятда Президентимиз адирлик бағрида янги Андижон шаҳарчасини бунёд этиши гоғсини ўртага ташладилар. Андижонликлар эса Президент гоғсини маҳкам ушлаб, қисқа вақтда фазилатли гушани яратишга астойдил бел боғладилар. Ёки дейлик, куни кеча ушбу шаҳарга Бобур номининг берилиши ҳам кўпгаб зиёлиларнинг кўнгли қатида турган ўй-хаёлларга ҳамоҳанг бўлди, десам муболага бўлмайди. Зотан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз хотирасига бундай эҳтиром ўзлимизни англашга, ёш авлоднинг улуғ боболарга муносиб ва илм-маърифатли бўлиб ўлайтишига хизмат қиладди.



— Давлат раҳбарининг тантанали маросимдаги нутқини телевизор орқали жонли эфирда катта ҳаяжон билан кузатиб ўтирдим, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, «Дўстлик» ордени соҳиби, шоир ва адиб Фарид Усмонов. — Янги қад ростлаётган шаҳарга Бобур номининг берилиши эса шахсан мени чексиз қувонтирди. Нега? Аввало, Заҳириддин Муҳаммад Бобур илм-маърифатли зот, буюк саркарда, фарзандларига меҳрибон ота сифатида барча замонларда ўсиб келаятган авлодга ҳар томонлама ўрнак бўладиган шахсдир. Унинг ҳаёти ва асарларини чуқур ўрганган қаламкаш ҳамда «Бобур салтанати» номли китоб муаллифи сифатида айтишим мумкинки, Бобурнинг илмий-ижодий мероси авлодлар учун катта бир доридфунун бўлса, унинг ўзи эса ватанпарварликда барча учун ўрнақдир. Шундай экан, шаҳарга Бобур номининг берилиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Шунинг ўзи ҳам ёшлар орасида унинг шахсияти ва ижодиса қизиқшининг орттишига туртки бўлишига шубҳа йўқ.

■ ХИСОБОТ-САЙЛОВ

ДЕЛЕГАТЛАР МУНОСИБ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРДИЛАР

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳисобот-сайловлар қизғин кечмоқда. Куни кеча тармоқ тизимидаги «Маҳам-Ширчиқ» АЖда бўлиб ўтган конференцияда ишлаб чиқариш цехларидан сайланган делегатлар, шунингдек, бошқарув раиси Хотам Саидахмедов, тармоқ ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Нигора Алимжанова иштирок этди.

Конференцияда ташкилотнинг 2020 йил февралдан 2025 йил мартгача бўлган давр мобайнидаги фаолияти яқинлари юзасидан иш берувчи, касба уюшмаси кўмитаси раисининг ҳисоботлари эшитилди. Муҳокамаларда делегатлар томонидан касба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб баҳоланди ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.

Кун тартибига мувофиқ ташкилий масала кўрилди. Унда яширин овоз бериш йўли билан муқобиллик асосида ўтказилган сайловда «Маҳам-Ширчиқ» АЖ касба уюшмаси кўмитаси раислигига кўпчилик овоз билан Бахтиёр Абдуллаев қайта сайланди. Шунингдек, касба уюшмаси кўмитаси ва тафтиш комиссияси таркиблари, юқори ташкилотларнинг конференция ва курултойларига делегатлар сайлаб олинди.

Тармоқ касба уюшмаси Республика кенгаши раиси Нигора Алимжанова сўзга чиқиб, корхонада ходимлар манфаати йўлида иш берувчи ва касба уюшмаси кўмитаси ўртасида ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор эканини эътироф этди. Касба уюшмаларнинг 120 йиллигини муносиб ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхтади.

Конференцияда делегатлар томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинди, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида келгусида амалга ошириш зарур бўлган устувор вазифалар белгиланди.

Шавкат ТОИРОВ,

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



ИШОНЧНИ ОҚЛАЁТГАНЛАР ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда делегатлар, шунингдек, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича масъул ташкилотчиси Р.Абдурахмонов, институт ректори Қ.Қодиров иштирок этдилар.

Дастлаб институт касба уюшмаси кўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар ҳисоботи тинланди. Таъкидланганидек, ҳозир институт касба уюшмаси кўмитаси аъзолари сони 17 минг нафардан зиёд. Ҳисобот даврида ходимлар ва талаба-ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш бўйича самарали ишлар олиб борилди. Хусусан, ходимларга

санаторийларга, уларнинг фарзандлари учун ёзги дам олиш марказларига йўлланмалар бериб келинди.

Касба уюшмаси кўмитаси томонидан ходимларнинг оилавий шароитларини ҳисобга олган ҳолда, 556 нафар кишига моддий ёрдам берилди. Профессор-ўқитувчилар ва техник ходимлар учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Бойсун шаҳарларига, шунингдек, маҳаллий Мўйноқ, Тахтақўпир,

Элликқалъа, Бөрүний туманларига саёҳатлар ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар институт касба уюшмаси кўмитаси томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишларни юқори баҳолашди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда Қараматдин Гулимбетов институт касба уюшмаси кўмитаси раиси лавозимига қайта сайланди.

Фотима АБДУРАИМОВА «ISHONCH»



Сўранг, жавоб берамиз

ЎРИНДОШЛИКДАГИ ТАЪТИЛ УЧУН ҲАҚ ТўЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

САВОЛ: Иккита жойда ишлайман. Яқинда асосий иш жойимдан йиллик меҳнат таътили олмақчиман. Ўриндошликда ишлаётган корхона раҳбариятидан айнан шу даврда таътил сўрасам, розилик беришмаяпти. Уларнинг бу ҳаракати қонунийми? Ўриндошликдаги таътил учун ҳақ тўлаш тартиби қандай?

Дилшод ҚўЧҚОРОВ

Тошкент вилояти

ЖАВОБ: Ўриндошлик асосида ишлаётган жойингиздаги раҳбарларнинг ушбу ҳаракати меҳнат қонунчилигига зид ҳисобланади. Хусусан, Меҳнат кодексининг 439-моддасида ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга йиллик асосий ва қўшимча меҳнат таътиллари асосий иш жойидагиси билан бир вақтда берилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, асосий иш жойи бўйича йиллик меҳнат таътилининг давомчилиги ўриндошлик асосидан кўп бўлган ҳолларда иш берувчи ўриндошнинг илтимосига кўра, иш ҳақи сақланмайдиган таътил бериши шарт.

Агар ўриндошлик асосида ишнинг биринчи йилида ходим опти ойдан кам ишлаган бўлса, йиллик меҳнат таътили учун ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Ўриндошларнинг йиллик меҳнат таътилига, шунингдек, ишнинг кейинги йиллари учун йиллик меҳнат таътилига ўртача иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда одатдаги тартибда ҳақ тўланади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

■ ЕТАКЧИ БИЛАН БИР КУН

МУВАФФАҚИЯТЛАР ЎЗИМИЗНИКИ, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ...

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Гиждувон тумани кенгаши ўн мингдан ортқ аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий вазифаси деб биладиган ташкилотлардан. Биз тармоқ касба уюшмаси фаолиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадида туман кенгаши раиси Юнус Ҳомидовнинг бир кунлик иш фаолияти билан танишишга аҳд қилдик.

Юнус Ҳомидовни кабинетда, иш устида учратдик. У бугунги кунда энг муҳим босқичга кирган ҳисобот-сайловларга дахлдор ҳужжатларни кўздан кечириш, жараёнларни таҳлил қилиб, ҳисоботлар тайёрлаш билан банд экан. Мақсадимизни эшитгач, бугунги режалари билан таништирдик.

Бироздан сўнг туманимиздаги мактабларда фаолият юритаётган педагог ходимлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинлари бошланади, — деди у. — Кенгаш раиси сифатида ушбу ўйинларнинг ҳакамлар ҳайъати аъзолари сафида қатнашаман. Жараёнларни биз билан биргаликда кузатишингиз мумкин.

Унга эргашдик. Интеллектуал баҳса мезбонлик қиладиган зал ўн икки жамоа ва уларнинг қўллаб-қувватлаш гуруҳлари билан тўла эди. Ўйинлар бошланди. Савол-жавоб, баҳс-мунозаралар қизгин тус олди. Зукко жамоаларнинг топқирлиги ҳакамларнинг баъзи ҳолларда иккиланганлигига сабаб бўлган бўлса-да, ғолиб жамоа аниқланди. Юнус Ҳомидов ғолибларга касба уюшмаларининг диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Тушлукдан сўнг туман етакчиси 49-мактабда бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишига йўл олди. Йиғилишида у таклиф қилинган вакил сифатида жараёнларни кузатиб, мактаб директори Шаҳноза Ғафурова, касба уюшмаси кўмитаси раиси Садриддин Саъдуллаевлар сўзга чиқиб, ўз ваколатлари доирасида ҳисоботларни ўқиб эшиттирдилар. Жараёнлар кетма-кетликда давом этиб, касба уюшмаси кўмитаси раиси, кўми та аъзолари сайлаб олинди. Йиғилиш сўнгида Юнус Ҳомидов сўз олиб, сайланганларни табриқлади, келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилади. Касба уюшмалари ташкил этилганининг 120 йиллик тантаналари ва унга қўрилаётган тайёргарлик жараёнлари, ка-

саба уюшмалари тарихи ҳақида маълумотлар ҳам бериб ўтди.

Кабинетга қайтгач, почта орқали етиб келган ариза ва мурожаатлар билан танишишни бошлади. Август ойи учун «Зомин» ва «Чинобод» санаторийларига йўлланма сўраб қилинган мурожаатларни рўйхатлар китобида қайд этди. Моддий ёрдам сўраб қилинган мурожаатларни бухгалтерия бўлимига йўналтириб, ижобий ҳал этиш чораларини кўрди. Бундан ташқари, оғзаки мурожаат билан кирганларни бирма-бир тинглади. Аксарияти йўлланма масаласида келишган экан. Юнус Ҳомидов уларга тегишли тушунчалар бериб жўнатди. Шундан сўнг бироз тин олиб, кейинги кун режаларини тузиш билан банд бўлди.

Умуман, Юнус Ҳомидов ишига сидқидилдан ёндашадиган етакчилардан бири. У жамоат ташкилоти ҳамкорлигини кучайтириш, самарадорлиқни ошириш бўйича бир неча бор вилоят конференцияларида, шуъба йиғилишлари ва семинарларда чиқишлари билан кўпчилигининг диққат-эътиборига тушган. Касба уюшмаси тизимида ташкил этилаётган кўрик-танловларда фахрли ўринлар эгалланаётгани ҳам унинг меҳнатлари маъсулидир.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Гиждувон тумани кенгашининг иш ҳужжатларини аъло даражада юритгани, вилоят кенгаши томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажариб келгани ҳамда кейинги уч йилда иқтидорли ва маҳоратли аъзолар билан ҳамкорликда тадбирлар, жамоа шартномаси баъририлиши бўйича йиғилиш ва семинарлар ташкил этиб келаётгани ҳам таҳсинга сазовор.

Умуман, у ўз касбига садоқатли, жонкуяр ва талабчан раҳбар сифатида танилган. Касба уюшмаларида олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси

Дилдора ИБРОҲИМОВА «ISHONCH»

■ 1211 ЭШИТАДИ

ҚОБИЛОВАНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Халқимизда дунёни сув босса, ўрдакка не ғам, деган мақол бор. Дарҳақиқат, бу ибора топиб айтилган. Айниқса, тепса-тебранмас, бировнинг муаммоси билан иши йўқ раҳбарларга дуч келган чоғинг шу гап ҳаёлингга келади.

Султоной Қобилова ҳам ана шундай мутасаддилардан жабр кўрганлардан бири. Гап шундаки, у уч нафар вояга етмаган фарзандига ҳам ота, ҳам она. Бу ҳам етмагандек, ишсиз. Шу боис кунлик ишлар билан рўзгор тебратлади. Лекин уч болани едириб-ичириш, кийинтириш осон иш эмас.

Қийинчиликлар жонидан ўтиб, болаларига нафақа олиш мақсадида «Инсон» ижтимоий хизматлар марказининг Ғузур тумани бўлимига икки бор мурожаат йўллади. Аммо масъуллар унинг умидини сўндиришди.

Кунларнинг бирида кўни-кўшнларидан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони» ҳақида эшитиб қолди. Шу заҳотиёқ тегишли рақамларга сим қоқиб, мударраосини айтди.

— Яхшиям, шу телефон бор экан, — дейди Султоной Қобилова қувонч билан. — Унга қўнғироқ қилганидан кейин мени қўйнаётган муаммо ижобий ечим топди. Март ойдан эътиборан уч нафар фарзандимга нафақа ола бошладим.

Демак, фуқаронинг мурожаати Федерация ара-лашуви билан ҳал этилибди. Бизни эса айрим саволлар уйлантиради: «Инсон» ижтимоий хизматлар марказининг Ғузур тумани бўлими мурожаатга ўз вақтида ижобий ечим изласа бўлмасми? Ёки улар масала республика даражасига кўтарилгач, ҳал этишга ўрганиб қолишганми?..

Баҳодир ҲАЛИМОВ «ISHONCH»

■ МУСОБАҚА

ЗИЁЛИЛАР АҚЛ ЧАРХЛАШДИ

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Бешариқ тумани кенгаши томонидан Касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси кубоги учун ўтказилаётган шахмат мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақанинг дастлабки босқичи таълим муассасаларида уюштирилди. Ғолиб иштирокчилар туман босқичида донна суришди.

Ақл гимнастикаси беллашувлари қизғин ва мурасасиз баҳсларга бой бўлди. Жараёнлар малакали ҳакамлар томони-

дан баҳолаб борилди.

— Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси кубоги учун ўтказилаётган шахмат мусобақаси ҳар бир таълим ходимини донна суришга ундади. Бахслар қизиқарли ва мурасасиз кечди. Ушбу мусобақанинг ташкил этилиши ҳаваскор

шахматчиларни янада илҳомлантирди, — дейди Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Бешариқ тумани кенгаши раиси Абдуқодир Бобононов.

Ғолибликни қўлга киритганлар беллашувнинг вилоят босқичида қатнашадилар.

Мусобақа пешқадамларига Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Бешариқ тумани кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид ЭРҒАШЕВ «ISHONCH»



МУЛОҲАЗА

Тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги ҳақидаги баҳслар ҳануз аниқ ечим топгани йўқ. Чунки айрим ҳолларда бу назария шубҳа остига олинади. Масалан, қушлар, хусусан, тўтиларнинг «гап-риш» қобилияти бу ғояни инкор қилаётгандек туюлади. Шунга қарамай, нутқи-миз шаклланишида ижтимоий ва ташқи омиллар муҳим роль ўйнаши инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

ТЕЗКОРЛИК ТИЛ БОЙЛИГИДАН АФЗАЛМИ?

Бугун шундай замонда яшашамизки, қисқа вақт ичида кўпроқ иш қилишга интиляпмиз. Кинони тезлатиб кўраимиз, овозли хабарларни икки баробар тезликда эшитамиз, тез ўқиш техникаларини ўзлаштирамиз. Кузатишлардан маълум бўлишича, бу «тезкорлик» замонавий инсоннинг кундалик эҳтиёжига айланган. Олимлар эса икки йўналишда фикр билдирадilar: баъзилар бу ҳолатни юксалиш сифатида баҳолашади. Чунки вақтни тежияймиз, дейишади. Аммо бошқа бир гуруҳ олимлари эса аксинча инсон сабр-тоқатсиз бўлиб қолаётгани, узок вақт диққатни жамлай олмаслиги ҳақида огоҳлантиради.

Бу бир ҳақиқатни юзага чиқармоқда: янги авлод қисқа, лўнда маълумотни афзал қўради, теранлиқдан кўра, тезликини танлайди.

Бундай ёндашув тилга қандай таъсир кўрсатмоқда?

Ижтимоий тармоқларни кузатсак, кўзни қамаштирувчи визуаллар ва қисқа матнлар эътибор марказида. Маълумот берувчи постлар асосан содда, бўёксиз, ҳатто, иборалардан ҳоли ҳолатда ёритилади. Изохларда эса биргина сўз ёки гап бўлаги орқали бутун бир фикр ифодаланаяди.

Тил нафақат алоқа воситаси, балки одамлар руҳияти, маданияти, тарихий хотирасининг аксидир. Бугунги илгор технологиялар асрида кундалик ҳаётимиздаги ўзгаришлар бевосита нутқимизга, фикрлаш тарзимизга таъсир ўтказмоқда. Ахборот оқимининг кучайгани, кўп нарсани қисқа фурсатда ўзлаштиришга интилишимиз, ижтимоий тармоқларда қисқа, лўнда ифодалар билан чекланишимиз – буларнинг барчаси она тилимизга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Таниқли тилшунос Гай Дойтчер таъкидлаганидек, ҳар қандай тил ўз тарихида кўтарилиш ва таназзул боқичларини бошдан кечиради. Аммо тилининг таназзулини ташқи омиллардан кўра, одамларнинг ўзлари тилишарайтгани хавотирли ҳолатдир. Бугун тилишимиздаги бадиийлик, равонлик, ифода бойлиги йўқолмоқда. Сабаби биз уни оддийлаштириб, енгиллаштириб, ҳатто шикастлаб қўлаяпмиз.

Шундай экан, ўзимизга савол беришимиз керак: замонавийлик ортидан қувиб, тилни бойитяпмизми ёки уни емиряпмизми?

Тил – бу мерос. Унга бефарқ бўлиш келажак авлодга бефарқ бўлиш билан баробардир.

Раъноҳон УЗОҚБОЕВА,
Андижон давлат университети
таъни докторант

ИНСОН РУҲИЯТИ БИЗНЕС ВОСИТАСИ ЭМАС



Ҳозир ким билан гаплашманг, асаби таранг бўлиб, оилавий ташвишлар, моддий қийинчиликлар, фарзанд тарбиясидаги муаммолар ҳақида сўз очади. Балки турли стресслар уларни қийнаётгандир?..

Мутахассислар фикрича, узок вақт стрессда бўлиш оддий ҳолга айланиб бормоқда. Лекин инсон доим шу тарзда юролмайдди, чунки бунга мослашмаган. Ортиқча тушқунлик унинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Бундай вазиятда психиатр кўмаги зарур. Агар ҳолат шунинг тақозо қилса, руҳий касалликлар шифохонасида бир муддат даволаниш керак. Лекин кўпчилик психологга боришни истамайди ёки унинг қабулига қатнаётганини бошқалардан яширади. Айниқса, халқ орасида «жинниҳона» деб номланувчи масканга боришни ҳеч ким хоҳламайди. Мабодо кимдир у ерда даволаниб келгудек бўлса, уни бармоқ билан кўрсатиб, жамиятдан ажратиб қўямиз.

Тошкент тиббиёт академияси Психиатрия ва наркологиya кафедрасининг руҳшунос-шифокори Ҳумоюн Кўчқоров билан шулар ҳақида суҳбатлашдик.

— **Рухий касалликлар шифохонасида даволаниб қайтган кишидан бошқалар ўзини олиб қочиши тураган гап, — дейди Ҳумоюн Кўчқоров.** — Бориб-бориб, бундай шахслар жамиятдан узиб қўйилади. Бу тиббиётда «Стигма» дейилади. Аслида руҳий касалликлар шифохонасида фақат шизофренияга чалинган беморлар эмас, балки, қисқа муддатли стресс, депрессия, хавотир ва психоэмоцио-

нал муаммолардан азоб чекаётганлар ҳам даволанишади. Улар даволаниб, уйига қайтишга, яқинлари ёки атрофдашлар унга яхши муносабатда бўлишмаса, яна қайталаши мумкин. Демак, руҳий касаллик билан оғриган кишиларни тўғри тушуниш ва қўлаб-қувватлаш лозим.

АЁЛЛАР КЎПРОҚ СТРЕССГА ТУШАДИ

Шифокорнинг таъкидлашича, бугунги кунда одамлар орасида руҳий бузилишлар кўпайган ва бунинг сабаблари турлича. Кундалик ташвишлар, ижтимоий тармоқлардаги кечиринки рақобатчи маълумотлар, ишдаги муаммолар, чарққ шулар жумласидан. Касаллик, айниқса, аёллар орасида кўп кузатилади. Чунки улар эркакларга нисбатан ҳис-ҳаяжонга берилувчан бўлишади. Стрессдан кейин депрессияга кузатилади. У нисбатан оғирроқ. Стрессга тушган киши маълум муддатда ўзини қўлга олиб, вазиятдан чиқиб кетиши мумкин. Аммо депрессиядан тиббий муолажасиз қўтулиши қийин.

Чуқур депрессияга тушган одамда яшашни истамаслик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кузатилади. Ачинарлики, беморлар ўз вақтида шифокорга мурожаат қилишмайди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Хусусан, қариндош-уруғ, ҳамкасб ва кўни-қўшнилардан уялиш, бун-

дан ташқари, психиатр назоратига тушиб қолиш ва оқибатда ишдан ҳайдалиш ёки ишга киролмасликдан ҳайқиш, тузалиб кетишига ишонмаслик, психотроп дориларни қабул қилишдан бош тортиш каби важлар бунга йўл бермайди.

ИНСОН РУҲИЯТИ БИЗНЕС ВОСИТАСИ ЭМАС

Инсонларга руҳий кўмак беришни мақсад қилган психологлар кўп. Бироқ аксарияти олий маълумотга эга эмас, 3-6 ойлик махсус курсни тамомлаган. Шу боис етарлича тажрибаси йўқ.

— **Яқинда курс ташкил қилган бир психологдан соҳага қандай кириб келганини сўрадим, — дейди Ҳумоюн Кўчқоров.** — **Айтилишича, у аввал космолог бўлган экан. Ишлари унча юришмаган, уч ойлик психология ўқишини битириб, ўзи ҳам шунақа курс очибди. Ҳайжолари талайгина экан. Ҳайрон қолдим. Ахир, инсон психологияси чевара билмайди, уни аниқлаб етиши учун жуда кўп ўқиш, изланиш керак. Бу жиддий масала.**

Шифокорга кўра, аслида ўша психологлар мурожаатчи беморнинг аҳолини тушуниб, уни малакали мутахассислар кўригига йўналтириши керак. Ҳар ҳолда гап инсон тақдирини, унинг келгуси ҳаёти ҳақида кетмоқда. Демак, психолог касбини шунчалик бизнес воситасига айлантириш мутлақо нотўғри иш.

«БИТТА-Ю БИТТА ФАРЗАНДИМДАН АЙРИЛДИМ, ЯШАШНИ ИСТАМАЙМАН...»

— **Яқинда бир аёлни олиб келишди, — дейди суҳбатдошимиз.** — **Эри дунёдан ўтиб кетган, бир фарзанди билан қолган экан. Аммо боласи ҳам йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида вафот эттибди. Она-хон яшашни истамас, чуқур депрессияда эди. Яқинлари уни турли психологларга олиб боришган. Лекин бундан наф қилмаган. Чунки аёл билан ному-тахассислар шугулланмишган. Уларнинг муолажаси беморнинг руҳий аҳоли янада оғирлашишига хизмат қилган, холос.**

Бир неча ҳафталик курслардан сўнг беморни чуқур депрессиядан чиқардик.

Яна бир мисол. Бир беморимизда руҳий ўзгаришлар рўй берган. Бунинг оқибатида қуролларига турли овозлар эшитилиб, уни ўз жонига қасд қилишга ундаган. Қиз бу ишга бир неча бор уринган ҳам. Яхшиямки, яқинлари ундаги ўзгаришларни ўз вақтида пайқашган ва ҳалокатини олди олинган. Шундан сўнг ота-она фарзандини халқ табobati билан шугулланувчи азайиҳонларга кўрсатган. Лекин натижа чиқмаган. Қизга тегишли тартибдан тиббий ёрдам кўрсатдик ва соғайишига эришдик.

АХБОРОТЛАРНИНГ КЎПЛИГИ – РУҲ КУШАНДАСИ

Гаджетлар бир қарашда оддий нарсага ўхшайди, аммо унинг инсон хотирасини сувайтиришидаги роли жуда юқори. Хусусан, ундан чиқадиган нур мияни толиқтиради. Ёки ижтимоий тармоқларни олайлик. Турли сайт ва телеграм каналларида қўтиллиқ, ўзвонлик, ваҳшийллик оид саҳналар кўпайиб кетди. Истаймизми-йўқми, бундай хабарни ўқиш онгимизга, руҳиятимизга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ижтимоий тармоқлардан камроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Илоҳи борича салбий хабарларни ўтказиб юбориш лозим.

Касалликнинг катта-кичиги, оғир-енглиги бўлмайди. Унга жиддий қараш даркор. Айниқса, руҳият билан боғлиқ масалага жўн қараш яхшиликка олиб келмайди. Бинобарин, руҳиятдаги ноқислик ўзлигини англашни қийинлаштиради. Инсон юксак зехнияти билан мукамалдир.



Ҳолида ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»

Касаба уюшмалари фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Ҳалим Шарипович Маҳмудов

Санатор-курортлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Ҳалим Шарипович Маҳмудов 93 ёшида вафот этди.

Ҳ.Маҳмудов 1932 йил 28 октябрь кунини Бухоро шаҳрида туғилган. Тошкент давлат тиббиёт институтини даволаш йўналиши бўйича тамомлаб, узок йиллар «Чинобод» санаторийида шифокор-терапевт лавозимида фаолият юритган. Кейинчалик Фанлар академиясининг 2-поликлиникасида, 2-Республика клиник шифохонасида бош шифокор лавозимларида ишлади. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактик ёрдамини ташкил қилиш бошқармаси бошлиғи, «Ботаника» санаторийи бош шифокори, ТошМИ бош шифокори – даволаш ишлари бўйича проректор бўлди.

Ҳ.Маҳмудовнинг бу машаққатли йўлни босиб ўтишида ўз ишга масъулият билан ёндашиши, ташкилотчилик қобилиятига эга экани, ҳамкасблари билан бир жамоа бўлиб ишлаб олиши, юксак натижаларга интилувчанлиги муштаҳкам зина бўлиб хизмат қилди. Қайси лавозимда ишлагани ўзининг бор билими, иқтидори ва тажрибасини ишга солди. Айниқса, унинг санатор-курортлар соҳасидаги фаолияти давлат ва жамият ҳаётидаги аслоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишида алоҳида ўрин тутди. У 1983-1998 йилларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг курортлар бошқармасини бошқарган даврларида изланувчан ва ташаббускорлиги, ўзоқни кўра олиши билан тизимга қатор янгиликларни жорий этди.

Тиббиёт соҳасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари, соҳадаги салмоқли ҳиссаси учун Ҳ.Маҳмудов «Республикада хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» унвони билан тақдирланди. «Соғлиқни сақлаш аълочиси», «Касаба уюшмалари Курортлар аълочиси» деган шарафли номларга мушарраф бўлди.

Жонқуяр ва меҳрибон инсон, юқори малакали мутахассис, ўзи ва атрофидагиларга талабчан, ўз касбининг фидоилари бўлган қатор шогирдларнинг сеvimли устози, санатор-курортлар соҳаси ривожига катта ҳисса қўшган Ҳалим Маҳмудов хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси



ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ИЛА

ВАЗИРЛИК ИШ ҲАҚИДА АММО...

Ушбу сайтда эълон қилинган мақолада таъкидланишича, «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ 46,7 минг нафар бизнес эгасининг 51 мингта лойиҳасига 17,7 триллион сўм миқдорда молиявий ёрдам кўрсатган. Натижада 382,8 мингта иш ўрни яратилган. Демак, битта иш ўрни яратишга 46,2 миллион сўм сарфланган.



«Ishonch» газетасининг 2025 йил 18 мартдаги сонида «Вазирлик иш ўрни яратмоқчи, аммо...» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унга Иқтисодиёт ва молия вазирлиги куйидаги мазмунда жавоб йўллади:

Жорий йилнинг 22-23 январь кунлари айрим ижтимоий тармоқ фаоллари томонидан «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖ фаолиятига доир статистик маълумотлар нотўғри талқин қилиниб, компания тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун йўналтирган 17,7 триллион сўмлик молиявий ресурсларнинг самарадорлигини фақатгина яратилган иш ўринларига боғлаш ҳолатлари кузатилади.

Вазирликнинг ахборот хизмати мазкур ҳолатга оид илҳик қилиш ҳамда аҳолини чағиртувчи ахборотлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида муносабат билдирилиб, расмий каналлар ҳамда бошқа ижтимоий тармоқларда эълон қилиди.

Муносабатда компания томонидан кўрсатилмаётган молиявий хизматлар орқали 17,7 триллион сўм маблағларнинг барчаси ҳам сарфланмагани, балки уларнинг асосий қисми тузилган шартномалардаги мажбуриятдан иборатлиги аск эътирилади.

Қолаверса, компаниянинг ёрдамларини тақдим этишида иш ўрни яратишдан ташқари, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)ни модернизация қилиш, яшил технологияларни жорий этиш, олис ва ривожланаётган ҳудудлардаги тадбиркорларни қўлаб-қувватлаш, экспортни ривожлантириш, хусусий ижтимоий объектларни ташкиллаштириш, ишлаб чиқаришда айланма маблағларни шакллантириш, солиқ тўловини рағбатлантириш ва энг муҳими, тадбиркорлик субъектлари кичик тадбиркордан ўрта тадбиркорга ўтишида кўмаклашиш каби кўрсаткичларга эътибор қаратилиши баён этилган.

Ҳақон амалиётида бандлик ва инвестиция

дастурларининг самарадорлиги бўйича:

Ҳақон амалиётида ҳукуматлар халққара ташкилотлар ва инвесторлар томонидан бандлик ёки инвестиция дастурлари самарадорлигини баҳолашда киритилган инвестиция маблағлари яратилган иш ўринлари миқдорининг нисбати билан таҳлил қилиш амалиёти мавжуд.

Янги иш ўринларини яратиш қиймати минтақа, тармоқ ва инвестиция турига қараб сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Даромади паст давлатларда инфратузилмага киритилган инвестициялар ривожланган давлатларга қараганда кўпроқ иш ўринларини яратишига сарфланди.

Автоматлаштириш ва технология даражаси қанчалик юқори бўлса, битта тўлиқ иш жойини яратиш учун шунча кўпроқ сармоя талаб этилади. Бир иш жойини яратиш қийидаги жараёнларни ўз ичига олиши мумкин:

- ишлаб чиқариш объектлари (бинолар, машиналар, ускуналар) инвестициялар;
- ускуналар ва лицензиялар сотиб олиш;
- ходимларни тайёрлаш;
- маркетинг, логистика ва бизнесни бошлаш харажатлари ва ҳоказолар.

Халққара Валюта Жамғармаси томонидан ўтказилган 2021 йилги тадқиқотлар натижасига кўра, асосий инфратузилмага (электр энергияси, йўл қурилиши, мактаблар, шифохоналар, сув ва канализация) 1 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритиш билан бир иш ўрни яратиш қиймати давлатлар бўйича қийидагиларга тенг бўлган:

- ривожланган давлатларда 3-7 та иш ўрни, янги бир иш ўрин яратиш учун 142,8 – 333,3 мине АҚШ доллариғача;
- ривожланаётган давлатларда 10-17 иш ўрни, янги бир иш ўрин яратиш учун 58,8 – 100 мине АҚШ доллариғача;

• кам даромадли давлатларда 16-30 иш ўрни, янги бир иш ўрин яратиш учун 33,3 – 62,5 мине АҚШ доллариғача.

Шу билан бирга, сунъий интеллект асосида соҳаларга инвестиция киритилиши ҳисобига бир иш ўрни яратилиши учун тўғри келадиган ўртача харажатлар қуйидагича:

– юқори технологияли соҳаларга (IT, фармацевтика, авиация) ҳар бир янги яратилган иш ўрни учун 100 – 500 минг АҚШ долларида ортиқ сармоя талаб этилади;

– санаот ишлаб чиқаришга ҳар бир янги яратилган иш ўрни учун 50 – 150 минг АҚШ доллари (айрим ривожланаётган мамлакатларда арзон ишчи кучи ва давлат ёрдами туяғили 10 – 30 минг АҚШ доллари) сармоя талаб этилади;

– хизмат кўрсатиш соҳаси (чакана савдо, умумий овқатланишда ҳар бир янги яратилган иш ўрни учун 10 – 50 минг АҚШ доллариғача сармоя талаб этилади). Юқоридаги маълумотлар ҳар бир иш ўринини яратиш қиймати инвестициялар тури, иқтисодиёт тартиби ва мамлакатнинг ривожланиш даражасига боғлиқлигидан далолат беради.

Малайзияда 2024 йилнинг 9 ойида иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантириш мақсадида 4753 та лойиҳа учун 61764,8 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция маблағлари ҳисобига 159,4 минг та янги иш ўрни (1 та янги иш ўрни учун 387,6 минг АҚШ доллари) яратилган. Шундан:

- хизматлар соҳасида (ахборот ва коммуникациялар, кўчмас мулк, ёрдамчи хизматлар, савдо ва коммунал хизмат) 3909 та лойиҳа учун 38969,8 миллион АҚШ доллари сарфланиб, 100,9 минг нафар (1 та янги иш ўрни учун 386,2 минг АҚШ доллари) янги иш ўринлари;
- ишлаб чиқаришда (кимё ва кимё маҳсулотлари, транспорт ускуналари, машина ва ускуналар, металл бўлмаган минерал маҳсулотлар) 800 та лойи-

ҳа учун 21534 миллион АҚШ доллари сарфлаб, 58 мингта (1 та янги иш ўрни учун 371,2 минг АҚШ доллари) янги иш ўрни;

• бирламчи секторда (кончилик, қишлоқ ҳўжалари) 44 та лойиҳа учун 1261 миллион АҚШ доллари сарфланиб, 416 та (1 та янги иш ўрин учун 3,03 миллион АҚШ доллари) янги иш ўринлари очилган.

Туркменистонда 2024 йилда мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг барча жабҳаларига умумий ҳисобда 10999,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция маблағлари киритиш билан 3000 та янги иш ўрни (1 та янги иш ўрни учун 3666,5 минг АҚШ доллари) яратилган.

Маълумот учун, Ўзбекистонда 2023 йилда 5,1 миллиард АҚШ долларилик 7712 та лойиҳа амалга оширилиб, 130 минг янги иш ўрни яратилди. Бу ҳар бир иш ўрни учун ўртача 39,2 минг АҚШ доллари сарфланганини аниқлатади:

• санаот соҳасида – 2451 та лойиҳа учун 2,38 миллиард АҚШ доллари миқдоридан сармоя киритиш билан 66628 та янги иш ўрни яратилган (ҳар бир яратилган иш ўрни учун 35,7 минг АҚШ доллари);

• хизмат кўрсатиш соҳасида – 3978 та лойиҳа учун 2,31 миллиард АҚШ доллари миқдоридан сармоя киритиш билан 43940 та янги иш ўрни яратилган (ҳар бир яратилган иш ўрни учун 52,6 минг АҚШ доллари);

• қишлоқ ҳўжалиги соҳасида – 1283 та лойиҳа учун 385 миллион АҚШ доллариғача тенг сармоя киритиш билан 19220 та янги иш ўрни яратилган (ҳар бир яратилган иш ўрни учун 20 минг АҚШ доллари).

Шунингдек, ўрганиш натижасида жаҳон миқёсида битта иш ўрни яратиш учун қанча маблағ сарфланиши белгилони ягона халққара стандарт ёки белгиланган меъёр мавжуд эмаслиги кузатилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари И. НОРҚУЛОВ

«ISHONCH»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Урмон ҳўжалиги агентлиги «Яшил ҳудуд» давлат унитар корхонаси эълон қилади:

Тошкент вилояти Бўстонлик тумани «Хумсон» МФЙ ҳудудида барпо этилган яшил боғни сугўриш учун лойиҳа смета ҳўжатлари бўйича юқори кучланишдаги электроэнергия (линия)сини тортиб бериш учун корхоналарни шартнома асосида тақлиф этади.

Ўз хизматларини тақлиф этадиган корхоналарга қўйиладиган талаблар: мазкур йўналишда тажриба ва малакага эга бўлиши зарур.

Тақлифлар 2025 йилнинг 25 апрелига қадар қабул қилинади.


Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли, Навбахор кўчаси, 2-«А» уй. **Телефон: 94 666-92-90.**

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси пенсионери Юсупов Аскар Аллабергановичга 2023 йил 31 декабрь кунини берилган 3596-сонли нафақа гувоҳнома сини йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«FER-ZARED GROUP» МЧК (СТИП: 308 433 364) устав жамғармаси 146 900 000 сўмдан 9 000 000 сўмга камай-тирилатганини маълум қилади.

Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 160-«А» уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Ламда БУГУН



АҚШда инфляция секинлашмоқда

АҚШ президенти Дональд Трамп ўзининг «Truth Social» ижтимоий тармоғида импортга жорий этилган рекорд даражадаги божлар мамлакатдаги товарлар ва озиқ-овқат нархларининг тушишига, шунингдек, инфляция суръатининг секинлашишига олиб келганини маълум қилди.

«Америка Қўшма Штатлари божлар орқали рекорд даражада даромад олмақда. Шу билан бирга, деярли барча маҳсулотлар, жумла-дан, бензин ва озиқ-овқат нархлари пасаймоқда», дея таъкидлади Трамп. Унинг сўзларига кўра, бундай стратегия ички истеъмолчиға солиқ юкини оширмасдан нархлар ўсишини тўхтатиш имконини беради. «Ваъда қилдик – бажардик!», дея яқунлаган ўз постини Трамп.

Фон дер Ляйен: «Биз билган Ғарб энди йўқ»

Европа Комиссияси раҳбари Урсула фон дер Ляйен «Die Zeit» нашрига берган интервьюсида кўпчилик тасаввурдаги Ғарбнинг орта қайтмас тарзда ўзгарганини маълум қилди.



«Биз билган Ғарб энди йўқ», деди у жаҳон тартибда Европа Иттифоқининг ролини изоҳлар экан. Унинг таъкидлашича, ҳозирда у дунёдаги кўплаб мамлакатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари билан фаол музокаралар олиб борапти. Европа Иттифоқи янги жаҳон тартибини шакллантиришга таъсир ўтказа олиши учун жиддий ислохотларга муҳтож. Европа Иттифоқи ўз мудофаасини мустақамлаши ва иқтисодий рақобатбардошлигини ошириши шарт.

Рубио ва Уиткофф Парижга боради

АҚШ Давлат котиби Марко Рубио ҳамда президентнинг махсус вакили Стивен Уиткофф яқин кунларда Парижга расмий ташриф буюриб, ташқи сиёсатдаги муҳим мавзулар юзасидан музокаралар ўтказишади.

Сафар доирасида Рубио Франциянинг Европа ишлари ва ташқи ишлар вазири Жан-Нуэль Барро билан учрашади. Уиткофф эса президент Эммануэль Макрон билан музокаралар ўтказиши режалаштирган. Украинадаги уруш, Эроннинг ядровий дастури, Трамп маъмурияти-

нинг тариф сиёсати, Ғазо секторидagi вазият ва Яқин Шарқдаги қарама-қаршиликлар музокамаларнинг асосий мавзусига айланиши тахмин қилинапти. Музокараларнинг қачонга белгилангани ҳақида маълумот йўқ. Аммо манба-лар ҳафта яқунигача бўлиб ўтишини тасдиқламақда.



Ғазода ҳалокатлар давом этмоқда

«Al Jazeera» маълумотиға кўра, Исроил ҳарбий-ҳаво кучлари томонидан амалга оширилган ҳужумлар оқибатида бир кеча-кундузда камида 23 киши ҳалок бўлган.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти раҳбари Тедрос Аданом Гебрейесусга кўра, Ғазо секторининг жанубидаги дала госпиталига қилинган ҳужум оқибатида 1 нафар киши ҳалок бўлган, 9 нафари яраланган. «Daily Sabah» маълумотиға кўра, Ғазодаги сўнги ҳарбий эскалация бош-

ланганидан бери 51 минг нафардан ортиқ инсон ҳалок бўлган, 116 мингдан ортиғи яраланган. Халқро инсонпарвар ташкилотлар ҳудуддаги дорилар, ичимлик сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслигини ҳали ҳам жиддий муаммо сифатида қайд этмоқдалар.

СИ мутахассисларининг сирли ўлими

«South China Morning Post» газетаси сўнги уч йил ичида Хитойда сунъий интеллект соҳасидаги етакчи олимлар ва муҳандисларнинг тушунарсиз, қутилмаган ўлимлари юзасидан мақола эълон қилди. Бу ҳолат илмий ҳамжамиятда жиддий хавотир уйғотмоқда.

Мақолада таъкидланишича, 2022 йилнинг июнида «Megvii Technologies» компанияси етакчи олими ва машинани кўриш соҳасида тан олинган мутахассис Сунь Цзянь 45 ёшида бехосдан вафот этган. 2023 йили Мудофаа технологиялари миллий университети доценти ва СИни ҳарбий соҳада кўллаш бўйича кучли мутахассис Фан Янхэ 38 ёшида вафот этган. Уша йилнинг ўзида «SenseTime» асосчиси ҳамда Гонконгдаги Хитой университети профессори Тан Сяо 55 ёшида вафот этган. 2024 йили «Yidu Tech» раҳбарларидан бири Хе Чжи ҳам вафот этган. У 41 ёшда эди. Бу йил эса Жанубий Хитой технология университети қошидаги Компьютер фанлари мактаби доценти ва машинани кўриш бўйича мутахассис Цюань Юйхуэй вафот этгани маълум қилинди. Унинг ўлими ҳам изоҳсиз қолдирилди.

Бу воқеалар АҚШ ва Хитой ўртасидаги технологик рақобат, айниқса, СИ технологиялари марказда турган шароитда содир бўлаётгани алоҳида таъкидланган. Журналистлар катта стресс, ахборотнинг ёпиқлиги ва эҳтимолий сиёсий босим олимларнинг тақдирида хал қилувчи омил бўлаётганини истисно этмаётдилар.



Оламгир ОТАЁРОВ таъёрлади

Бу қишлоқ қадимда Косатарош деб аталган. Пурвиқор тоғлари, осмонга бўй чўзган чинорлари, 200-300 йиллик ёнғоқлари салобат тўкиб, табиғатга ўзгача чирой бахш этган бу мўъжаз маскан юқоридан қараганда худди дуога очилган кўлга ўхшайди. Юзлаб булоқлардан чиққан зилол сувларидан ичсангиз, танангиз роҳатланади. Қишлоқнинг чап тарафидagi тоғлар Тахтиқорача довомига улашиб кетади. Аслида шу тоғлар биз таърифини келтираётган маскани Самарқанд вилоятининг Ургут туманидан ажратиб туради. Бу ерда Пойи Темур номи билан аталувчи тоғлар орасидан ўтган йўл ҳам бор. Маҳаллий аҳолининг айтишича, теурийлар даврида Буюк Ипак йўлининг бир тармоғи – Тахтиқорача довоми йўлининг сўқмоқларидан бири шу қишлоқдан ўтган.



УЛУҒБЕК ХАЗИНАСИ ҲАЗРАТИ БАШИР да(ми?)

Биз қишлоққа етиб борганимизда соат тонги саккизлар атрофида эди. Марказдан ўтган йўлдан ўқувчилар мактаб томон ошқишарди. Қишлоқ ўртасидан тўлкинлари тошларга урилиб оқаётган дарёнинг шовуллаши эшитилади. Маҳаллий аҳолидан бири билан салом-алик қилиб, хол-аҳвол сўраймиз. Ундан қишлоқ ҳақида, дарё ҳақида нималарнидир билиб олгимиз келади.

«Қашқадарё қишлоқномаси» китобида эса Башир қадимий этноним, ўзбек уруғларидан бири экани ҳақида фикрлар келтирилган.

Саид Аҳмад Али, яъни Ҳазрати Башир 1368 йилда туғилиб, 1464 йилда вафот этган. У шариат, тарикат, маърифат ва ҳақиқат бобида қаромат эгаси бўлиб етишган, таърифларини эшитиб, бир томони Миср, бир томони Мўғулистонгача бўлган мусулмон олимнинг турли бурчакларидан кўллаб қишлар келиб, Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Башир отага шогирд тушадилар. Нақшбандия таълимотида Баҳоуддин Балогардондан кейинги буюк сиймо бўлган бу зотга 360 нафардан зиёд шогирди бўлгани учун Шайх Бузруквор Ҳазрати Султон номи берилган.

У кишининг қолдирган мероси ва тариқатлари Ислом оламида муҳим аҳамиятга ҳамда ўз ўрнига эга.

МИРЗО УЛУҒБЕК ВА ҲАЗРАТИ БАШИР

Ҳазрати Башир даврида Башир қишлоғи маърифат ўчоғига айланган. У кишининг зиёратига ўз даврининг илм-маърифат хомийси, улўғ давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳам тез-тез келиб турган. Ҳазрати Баширни ўзига пир билиб, у кишининг суҳбатлари ва маслаҳатларига эҳтиёж сезган.

1449 йили Ҳаж сафарига отланган Мирзо Улуғбек Ҳазрати Баширнинг дуосини олиб кетишни ихтиёр этди. Бироқ қишлоқдан узоқ бўлганга масофада жойлашган Падақуллар тоғида қатл этилган. Ушбу машъум ҳодисадан сўнг Мирзо Улуғбекнинг бой илмий мероси ва шогирдлари ҳаёти ҳам таҳлика остида қолади. Ҳазрати Баширға зиён етказолмасликларини аниқлаган Али Қўшчи эса Тахтиқорача довоми орқали Косатарош қишлоғига, шайхнинг ҳузурига келади. Баъзи маълумотлар қараганда, Мирзо Улуғбек вафотидан кейин у қурдирган расадхона вайрон қилинган, Али Қўшчи расадхона секстантини Башир қишлоғидagi Ниёзтепага кўчиради. Шу ерда қурилган, «поиyrасад»да юлдузлар устида сўнгги кузатув ишларини олиб боради.

– Мирзо Улуғбек бобомизнинг бой илмий кутубхоналарини Самарқанд шаҳридан шогирди Али Қўшчи олиб чиқиб кетгани ҳақида манбалар бор, – дейди Азамат Хайитов. – Айтилишича, олим у меросни форга яширган. Қишлоғимизда ва қишлоғимизга келгунча ҳам форлар кўп. Ҳазрати Баширнинг ўзлари ҳам форда яшаган. Лекин ўтган асрнинг 30-йилларида чўққилар этагида аҳолига номаълум бўлган форга ўхшаш жой топишган. Одамлар машъалалар билан унинг ичкарига киришганида, кишини ваҳимага солувчи овоз эшитилган. Эҳтимол, у сувнинг товуши бўлгандир. Уша давр одамлари «Бу форда аждарҳо бор», деб унинг озғини ёлиб ташлашган. Айни пайтда у форнинг озғи аҳолининг уй-жойлари остида қолиб кетган. Мутахассислар излашни олиб боришса, эҳтимол, Улуғбек хазинаси ёки у билан боғлиқ маълумотлар шу қишлоқдан топилиши мумкин.

Ҳазрати Башир қишлоғи Китоб тумани марказидан 35 чакрим масофада жойлашган. Бу манзилдан битта олдинги қишлоқ эса олимнинг яшаб ўтган жойи ҳурматига Али Қўшчи деб номланган.

ВАРГАНЗА АНОРИГА «ДУО КЕТГАН»МИ?

Варганзалликлар етиштирган анор ўз таъми ва кўриниши билан нафақат Қашқадарёда, балки республикамизда ҳам машҳур. Бу ерлик боғбонлар етиштирган анор халқро бозорда ҳам хариддор. Китобликлар эса Варганзаннинг анорини бошқа жойга экса, бундай ҳосил олиб бўлмаслигини айтиб, «Варганза анорларига дуо кетган», дейишади. Хўш, бу меванинг айни шу қишлоқда ширин ва сархил бўлиб етилишининг сабаби борми?

Ҳазрати Башир қишлоғидagiлар бунди Ҳазрати Баширнинг қаромати билан боғлашади.

– Қишлоғимизда Қизил қоя гори бор, – дейди Парвозхон Иброҳимов. – У ерни Ҳазрати Башир макон тутиб, яшаганлар. Форга кириш жойида уша пайтда тошларни ёриб, бир тул анор ўсиб чиқади. Уша дарахт ҳозиргача бор. Ҳазрат томини ёриб чиққан бу анорда бир қаромат бўлиши керак деган ўйда унинг новдаларини олиб, паства тушадилар. Кўп жойларга экиб кўрадилар. Лекин айнан шу Варганза қишлоғига ўтказилгани мева беради. Ҳосили мўл-кўл ва бетакрор ширин таъмига эга бўлгани учун маҳаллий аҳоли анорчиликни тез ўзлаштиради.

Айни пайтда қишлоқда 2 минг гектарга яқин анорзорлар бор.

ҒАВЖУМ ЗИЁРАТГОҲ ВА ТУРИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ҳазрати Башир қишлоғидagi Ниёзтепада дафн этилган. Қабри олдидаги арча дарахти у кишининг хассаси бўлган. Ҳазрати Башир ота хассасини улўқтириб, «Қаерга бориб тушса, уша жой меннинг қабрим бўлади», деган экан. Хасса йўғон томони билан ерга қадалиб қолган ва шунинг учун бошқа дарахтлардан фарқли ўлароқ унинг пасти томони ингичка, юқори томони йўғон кўринади. Ҳазрати Башир «Менинг сўнги манзил-мақомим шу Ниёзтепа бўлади», деб, у ерга юздан зиёд писта дарахтларини экиб, парвариллашган. Ушбу дарахтлар асрлар силсиласи ва табиатнинг турфа ҳодисаларига чидаб, ҳамон салобат тўкиб турибди. Зиёратгоҳда Шайх ҳаётиги даврида мўғул хони – Ҳазрати Баширға шогирд тутишиб шу ерда қолган, Саид Жамолиддин номи билан аталган авлиё томонидан экилган чинор ва унинг остидан си-зиб чиқувчи булоқ бор. Саид Жамолиддин қабри ҳам шу зиёратгоҳ ҳудудида жойлашган. Айни пайтда Кофлотун деб аталувчи Ҳазрати Башир маҳалласи таркибига кирувчи қишлоқда Ҳазрати Баширнинг отаси Хожа Ҳасанининг қабрига ҳам мақбара ўрнатилиб, зиёратгоҳга айлантирилган.

– Саид Хожа Ҳасан шу ерда яшаган ва дафн этилган, – дейди Азамат Хайитов. – Шу ерда деҳқончилик қилиб, тасаввуф илми билан шугулланган компл шахслардан бири бўлган. Куйида бир булоқ бор. Ҳазрати Башир ота туғилганларида оналаридан сўт келмаганида уша булоқ сувини ичиб улғайганлар.

Кейинги йилларда қишлоқда зиёрат туризмни ривожлантириш, сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда қишлоқда 20 га яқин меҳмон уйлари фаолияти йўлга қўйилган.

– Туризмни ривожлантиришга эътибор қаратилганидан кейин одамларнинг муқаддас қадамжоларда бўлган қизиқиши ортди, – дейди Азамат Хайитов. – Баҳор, ёз ойларида кунига 10 минглаб зиёратчилар келди. Мақсадимиз бу қараткичларни янада ошириш. Қишлоқда меҳмон уйлари кескин кўпайтириш ва замонавий меҳмонхоналар қуриши режалаштирилган. Ҳа, юрган дарё, дейди халқимиз. Қашқадарёнинг бошланғич қисми – Ҳазрати Башир қишлоғида бўлиб, унинг гўзал табиати билан яқиндан танишдик. Қашқадарё соҳиллари бўйлаб кезар экансиз, бу каби бетакрор манзаралар беҳисоб эканига гувоҳ бўласиз. Насиб бўлса, улар ҳақида ҳам сизга ҳикоя қилиб берамиз.



Баҳодир ХАЛИМОВ «ISHONCH»

Азиз газетхон! Мароқли дам олинг!



Равшан Комилов ижросида «ОЗОДАНИ СЕВАМАН МЕН...» ҚЎШИҒИ

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie») Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-90) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55, Surxondaryo viloyati - (+998-90) 379-19-70, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93.

Navbatchi muharrir: G. Mirahmedov. Musahhah: D. Xudoyberganova. Sahifalovchi: H. Abdullajilov. Bosilishga topshirish vaqti: 21:50, Topshirildi: 22:10. Bahosi keltirilgan narxda. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch.1991@yandex.uz. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 448 ta. Shundan: 6 257 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 276 nusxasi «Eruditi» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-411. 1 2 3 4 5 6